

МИЛЛИЙ ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1997 йилнинг 5 декабрида Конституциямизнинг беш йиллигига бағишланган мажлисдаги нутқида 1998 йилни "Оила йили" деб эълон қилган ва бунинг натижасида мамлакатимизда истиқомат қилаётган оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланган эди. 2012 йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Мустаҳкам оила йили деб эълон қилингани натижасида мамлакатимизда 7,5 миллиондан ортиқ оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш учун йил давомида улкан ишлар амалга оширилиши шубҳасиз. Зеро, республикаимизда амал қилаётган қонунларда оилалар мустаҳкамлиги ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари етарли даражада ҳимоя қилинган.

Мустақиллик йилларида эришилаётган ютуқлар ҳар бир оилада аجدодларимизга хос миллий ғурур, инсоний кадр-қиммат ва орият каби хислатлар юксалиб боришига замин яратмоқда. 2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2011 йилларда эса 2,1 баробар ошди. Бу Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлар қаторидан жой олганини кўрсатади, юртдошларимиз кўнглида чексиз ифтихор ва эртанги ҳаётимизга, эл-юрт фаровонлигига қатъий ишонч уйғотади.

Оилаларнинг иқтисодий фаровонлигини кўзлаган ҳолда 2011 йилда республикаимизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар эса 26,5 фоиз ўсганлиги, аҳолининг реал даромадлари йил давомида 23,1 фоиз ортганлиги, шунингдек, аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинаётгани иқтисодиётни тартибга солишга йўналтирилган қонунларимиз амалда яхши ишлаётганидан далолат беради.

Юртимиз аҳолиси даромадлари 2000 йилга нисбатан 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадларини жадал кўпайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга гуруҳлари ўртасидаги тафовут, даромадлардаги фарқ коэффиценти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқаргани Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланиши ҳам ёш авлоднинг келажакка бўлган ишончи ортишига асос бўлади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даражаси юксалишига замин яратди. Масалан, 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотларининг тавсияларига мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол савати қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 120 фоизга кўтарилди ёки 15 баробар ўсди. Энг кам пенсияларнинг харид қобилияти эса 9 карра ошди.

2012 йилда жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янги босқичга кўтариш лозим бўлади. Бунинг учун маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Мустаҳкам оила йилида амалга ошириладиган устувор вазифалардан иборат Давлат дастури ишлаб чиқилмоқда. Уни амалга ошириш учун 2012 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан қарийб 4 триллион 400 миллиард сўм ва 370 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилаётир. Албатта, бундай кенг кўламда ажратилаётган маблағлар республикамизда яшаётган ҳар бир оилага катта ғамхўрлик ва моддий ёрдам бўлиши шубҳасиз.

Маълумки, дунёда энг мураккаб, шу билан бирга, энг масъулиятли вазифа ота-оналик бурчини адо этишдир. Чунки, ота-оналик бурчининг масъулиятини тўғри англаган юртдошларимиз бугунги кунда фарзандларини билимли ва онгли қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишмоқда. Бунинг учун мамлакатимизда 10 мингдан ортиқ мактаб, 2 мингга яқин коллеж ва лицейлар, олий илм даргоҳлари фаолият юритмоқда.

Биз аввало, вояга етаётган болаларимиз орқали эртанги кунимизни кўз олдимизга келтиришимиз лозим. Чунки, билимли, ақлли, одобли, эртанги кунини ўйлайдиган фарзанд ота-онанинг энг катта бойлигидир. Бундай бойликка эга бўлган оила ҳеч қачон кам бўлмайди. Зеро, Ўзбекистон Конституциясида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деб белгилаб қўйилган.

Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни авайлаб-асрайдиган, шу билан бирга келажак авлод қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла ва юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги – миллий фаровонликнинг асосидир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар – ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган. Шундай экан оила, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз эътибори марказида бўлиши керак. Шунда оилаларнинг мустаҳкамлиги янада барқарорлашиб, келажакимизнинг буюклигига асос яратган бўламыз.

Фахриддин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.
Тошкент ҳақиқати, 15 февраль 2012 йил.